

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари томонидан tibtoifa.ssv.uz ахборот тизими орқали малака тоифаси олиш мақсадида тақдим этиладиган ҳужжатлар

tibtoifa.ssv.uz ахборот тизими орқали ҳужжат топшириш учун Ягона идентификация тизими (OneID)да **id.egov.uz** ҳаволаси орқали рўйхатдан ўтилади ва шахсий кабинет орқали электрон аризага қуйидаги ҳужжатлар (PDF шаклида) илова қилинади:

1. “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида автоматик тарзда шакллантириладиган электрон меҳнат дафтарига оид маълумотларнинг электрон шакли;
2. Профессional таълим ташкилотларида ўқиганлигини тасдиқловчи архив маълумотлари тиббий ёки фармацевтик маълумот (олий, ўрта махсус, интернатура, клиник ординатура, магистратура, илмий даража, қайта тайёрлаш) тўғрисидаги диплом (ҳужжат) ва/ёки хорижий таълим ташкилотида олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом ёхуд олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат (Ўзбекистон Республикасида тан олинганлиги тўғрисидаги) маълумотларни умумлаштирилган электрон шакли;
3. Амалдаги малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг электрон шакли (агар тоифаси бўлса);
4. Муддатидан олдин навбатдаги малака тоифасини олувчилар учун соғлиқни сақлаш вазирининг ёки муассаса раҳбарияти томонидан берилган тақдимноманинг (ходатайство) электрон шакли;
5. Охирги беш йил ичида малака оширганлиги ҳақидаги ҳужжатларнинг ҳамда съезд, конференция, конгресс, симпозиум ва семинарларда иштирок этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки сертификатларни умумлаштирилган электрон шакли;
6. Тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги маълумотнинг электрон шакли.

Диққат !!! ТЎЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

tibtoifa.ssv.uz ахборот тизими орқали шахсий кабинетингизда ёки SMS хабар орқали **Сизнинг ҳужжатларингиз қабул қилинди, тўловни амалга оширинг** деган хабар келганидан сўнг ТЎЛОВни амалга оширинг.

ИЗОҲ: БУНДА Банк хизмати учун коммиссион тўлови алоҳида амалга оширилиши лозим.

ТЎЛОВ (аттестациядан олдин тўланади):

Тўловни олувчи муассасанинг номи – *Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш маркази. Тошкент шаҳри, 100007, Яшнобод тумани, С.Маишадий кўчаси, 197. ИНН 310 625 704.*

Банк муассасаси – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб касса маркази

Ҳисоб рақами – **2340 2000 3001 0000 1010** ҳ/в – **4600 1086 0262 9070 7690 9054 001**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ғазначилиги

БММ рақами (код) – 00014 ИНН - 201 122 919

Қуйидаги миқдорларда тўлов ундирилади:

шифокор ва фармацевтлардан – базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида **(680 000 сўм)**.

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг (махалла тиббий пункти, оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиника ва шифохона) шифокор ва фармацевтларидан – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик фоизи миқдорида **(170 000 сўм)**.

“Олий ҳамширалик иши” мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимларидан – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма фоизи миқдорида **(68 000 сўм)**.